

Ўзбекистон ва жаҳон

ЯПОНИЯЛИК ТИНЧЛИКСЕВАРЛАР ТОШКЕНТДА

Республикамизга Япониянинг Осака шаҳри дўстлик жамиятининг раиси муҳтарам Сати Норика хоним бошчилигидаги катта делегация ташриф буорди. Делегация таркибида Нагоя шаҳрининг «Тинчликнинг яшил белбоғи» жамиятининг вакиллари ҳам бўлиб, улар жаҳон мамлакатлари уртасида дўстлик ва ҳамкорликнинг ривожланишига ўзларининг ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Япония делегацияси аъзолари билан ўтказилган учрашув чоғида ҳам муҳтарам Сати Норика хоним асосий мақсад Япония ва Ўзбекистон давлатлари уртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш ҳамда биргаликда кўчатлар ўтказиш йўли билан жаҳон боғи тисмоли бўлиши «Тинчликнинг яшил белбоғи»ни ташкил қилиш эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Яъни, пок ният ила ташкил қилинган бундай тадбирни халқларимизнинг бир-бирларини тушунишлари ва ақинлашишлари борасидаги муҳим қадам сифатида баҳолаш мумкин.

Шу кун Ўзбекистон Республикаси халқаро маданият-маърифий алоқалар миллий ассоциацияси аъзолари билан биргаликда япониялик меҳмонлар Шредер номидаги меҳмонлик, узумчилик ва боғдорчилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига бориб бу ерда тинчлик боғига асос солишди.

Дамир ИСЛОМОВ.

ҚОҲИРАДА — САЙЁҲЛИК АНЖУМАНИ

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош ассамблеясининг ўн биринчи сессияси мажлислари шу йил 15—22 октябрь кунлари Қоҳирадаги Халқаро анжуманлар марказида бўлиб ўтди. Мазкур Халқаро ташкилотнинг бундай йирик анжумани шу пайтгача Яқин Шарқ минтақасида ўтказилмаган эди.

Яна шу нарса эътиборга моликки, араб давлатларининг сайр-сафар ва сайёҳликка бағишланган халқаро конференциясининг учинчи йиғилиши ҳам мазкур йирик анжуман ўтадиган кунлари, яъни шу йил 16-19 октябрь кунлари қақрилади. Конференция давомида Миср махсулотлари кўргазмаси ҳам очилди.

Маълумки, ўз сафига 125 давлатни бирлаштирган Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг асосий мақсади халқаро тинчликни мустаҳкамлаш, давлатлараро ўзаро савдо-сотиқни тиклаш борасида асосий омил ҳисобланган сайёҳликни янада ривож топтиришдан иборатдир.

Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Бош котиби Антонио Савиньяк Президент Ислам Каримовга яқинда йўллаган табригида бу анжуманда Ўзбекистон Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Ипак йўлидаги фаолияти маркази бўлиши лозимлигини таъкидлаб эътиборини алоҳида таъкидлади.

Ҳамшаҳарларимиз дастурхонига

ОЛТИН КУЗ НЕЪМАТЛАРИ

«Суво» трестига қарашли Қорасув сув насос станциясининг салкам 40 гектарлик боғ-роғлари бор. Эндигина шафтоли, олма ҳосилини йиғиб олган қули гул боғбонларнинг иши айниқса шу кунларда қўлайган. Енғок, олма, анор пишиб етилган. Беҳни айтаёйсизми? Ҳосили кўпلىгидан, шоҳлари ерга теккан.

— Увол қилмай териб олсан, — дейди боғбон Файзулла Мирзаев, — гул-гул ҳосил қилган 3—4 шили беҳи тупини қўрсатар экан, — камида 200 килограмм ҳосил бор.

Ҳа, боғбон ҳақ. Қаровга ҳам боғлик, беҳи сув билан тирик. Тагидан сув оқиб турса, беҳи катта, сёрқил, сувли бўлади. Шунинг учун ҳар туп беҳида қўтилгандан зияд ҳосил етиштирилади. Ишчи-хизматчилардан ташқари шаҳарликлар дастурхонига ҳам етказиб берилмоқда.

Боғбонлар бу йил қулунпай, урик, олча, шафтоли, олмадан юқори ҳосил етиштиришди. Енғок ҳар йилгидан мўл бўлди. Нухот, мош, ловия, ерэнгоқ, саби ҳосиллари ҳам бугун-эрта йиғиштириб олина бошланди. Қарам, картошқадан ҳам юқори ҳосил олиш кутиляпти.

Исматулла РУСТАМОВ.

СУРАТЛИ АХБОРОТ

БОҒДА ТАЛАБАЛАР БАЙРАМИ

милиция мактабининг биринчи курс талабаларининг ҳам борлиги ўшбу тадбир бугун шаҳар ёшлари ўртасида қанчалар катта байрамга айланганлигини кўрсатиб турибди.

Байрам тантанаси Миллий боғдаги буюқ шох, бобоқалон Алишер Навоийнинг хайкали пойига анвойи гуллар қўйишдан бошланди. Ўшбу тадбирга республика талабалар жамғармаси хомийлик қилди. Жамғарма директори Файрат Ғафуров дастлабки доводдан ошган ёшларни табриклаб, кириш имтиҳонларидаги тест синаваларида энг юқори балл тўплаган талабаларга махсус совғаларни топширди. Шунингдек, Республика ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг котиби Боймурод Юсупов ва Ёшлар Иттифоқи Тошкент шаҳар қўмитасининг биринчи котиби Равшан Абдуқодировлар ҳам талабаларни қизгин табриклаб, мустакил Ватанимизга ҳар томонлама билимли мухтаassisлар зарурлиги, бугунги ёшлар зиммасидаги вазифалар ҳақида гапирди.

Шуҳ мусиқа, байрамона кайфият, бахтиёр нигоҳлар... Ўша кун боғдаги барча масканлар биринчи курс талабалари ихтиёрига берилди, бепул салқин ичимликлар ва «музыкамоқ сайли»нинг ташкил этилганлиги эса байрам кайфиятини янада кўтарди.

Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий боғи юзлаб бахтиёр ёшлар — биринчи курс талабалари билан гағжум бўлди. Тошкент шаҳар Ёшлар Иттифоқи қўмитаси томонидан уюштирилган «Биринчи курс талабалари сайли»да пойтахтдаги 28 та олий ўқув юрталаридан келган 700 нафардан кўпроқ бахтиёр ёшлар «олтин давр»ларининг энг дастлабки тантанасини нишонладилар. Уларнинг орасида ҳатто Олий ҳарбий билим юрти ва ички ишлар вазирлиги олий

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

1 октябрь — Халқаро қариялар куни

ХУРМАТ ИФОДАСИ

Кечаларга хурмат-иззат қўрсатиш халқимизнинг азалий фазилатларидан. Республикаимизда Халқаро қариялар кунининг нишонланиши ҳам нуруний онахонлар отахонларга нисбатан хурмат ифодасидир. Байрам арафасида биз Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар қўмитаси раиси ўринбосари Шохидда Худойберганаевага мурожаат қилдик.

— Мамлакатимизда қариялар алоҳида ғамхўрлик билан қўриб олинган. Президентимиз ва давлатимиз раҳбарияти бозор иқтисодиётига ўтилаётган бугунги кунда уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашга алоҳида эътибор бериляпти.

Мустакиллик кун арафасида шаҳар қўмитаси қатор тадбирлар ўтказди. Қарияларга совға-саломлар улашди. Чунини Собир Раҳимов туманидаги уруш қатнашчилари госпиталига 500 жуфт, республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатига 1000 жуфт аёл ва эркаклар оёқ кийими ажратди. Жамиятининг Ҳамза туман қўмитаси ҳокимлик билан ҳамкорликда 20 нафар қарияга 500 сўм миқдорда, ҳаммаси бўлиб 10 минг сўм пул топширишди.

Қўмитамизда Қариялар кун муносабати билан қатор тадбирлар режаси белгиланди. Кам таъминланган нуруний, ёлғиз қарияларга нурунийлар аравачалари, барча ёлғиз қарияларга совғалар топширилди. Шаҳар бўйлаб савбат уюштирилди. Халқ талантилари иштирокида концерт уюштирилди, байрам дастурхони ёзилди. Шайхонтоҳур туманидаги «Дилором» қаҳвахонасида, Собир Раҳимов туманидаги «Оталар» чойхонасида, Мирчоб туманидаги Темирўлчиқлар маданият саройида ана шундай тадбирлар уюштирилди. Бектемир тумани кексалари эса «Зангиота» зиёратгоҳини зиярат қилишди.

Мирзо Улуғбек, Яқасарой, Сергели туманларида ҳам байрамни кўнглидагидек ўтказиш мўължалланган. Барча қарияларга байрам совғалари топширилди ва дастурхон ёзилди.

Мастура МИРЗАЕВА.

ИБРАТЛИ ҲАЁТ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иброҳим Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтида мазкур илмий дароғоқ бўлими мудири, уруш ва меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган фан арбоби, республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, юридик фанлари доктори, профессор Ҳожиқабар Раҳмонов таваллудининг 70 йиллиги, меҳнат, илмий-педагогик фаолиятининг 50 йиллигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Институт директори, фалсафа фанлари доктори Абдулҳафиз Жалолов олимнинг ҳаёти йили, илмий-педагогик, жамоатчилик фаолияти тўғрисида сўзлади.

Нотиқ ҳамда мажлис иштирокчилари — олимнинг ҳамкасблари, сафдошлари, шогирдлари, зиялилари, ҳуқуқ-тарбиёт идораларининг вакиллари Ҳ. Раҳмоновнинг ҳуқуқ фанини ривожлантиришига, юқори маълумлик ҳуқуқшунос ҳодимлар тайёрлаш ишига улкан ҳиссаси, унинг кенг қўламли жамоатчилик фаолияти, фашизмга қарши урушда қўрсатган матонатни, мустакил Ватанимизнинг буюқ келажаги борасидаги сай-ҳаракатлари ва ибратли ҳаёти ҳақида сўзлади.

А.ВОИСОВ.

Бир неча жойдаги сахналарда мусиқа янграб, олий ўқув юрталарида фаолият қўрсатаётган бадий-хаваскорлик гуруҳлари ижросида концерт дастурлари намойиш қилинди.

Баҳодир ҲАСАНОВ.

СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Миллий боғидаги «Талабалар кун» байрамидан лавҳалар. Алимурод Мамадаминов олган суратлар.

ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

Халқаро қариялар кун арафасида Киночилар уйида «Наврўз» хайрия жамғармаси ҳамда Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги ташаббуси билан хайрия тадбири бўлиб ўтди. Унга тақлиф қилинган, туманда истикомат қилувчи уруш ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланган, ёлғиз, ногирон кексалар ҳозир бўлишди.

«Наврўз» хайрия жамғармаси бошқарувининг раиси Дадагон Екубов оlib борган бу

бахс-мунозарада Россия Федерацияси ижтимоий ҳимоялаш вазирининг ўринбосари Валентина Корняк, пойтахтимизда Жаҳон банкининг иқтисодий тараққиёт институти ҳамкорлигида ўтаётган «Ижтимоий сийғат», дастурлар ва лойиҳалар» халқаро семинари қатнашчилардан Киев давлат иқтисодиёт университетининг кафедра мудири Галина Доорниқова, Биш

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги марказининг раиси, ёзувчи Неъмат Аминов, Тошкент Давлат университетининг иқтисодиёт факультети декани Абдурахим Ваҳобов ва бошқалар иштирок этишди. Мулоқот чоғида Россия Федерацияси ижтимоий ҳимоя вазирлиги ва «Наврўз» хайрия жамғармаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш масалалари юзасидан тақлифлар киритилди.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КҮЧЛАР, ЧЕГАРА ВА ИЧКИ ҚҶШИНЛАР САФЛАРИДАН ЗАҲИРАГА БЎШАТИШИ ВА ФЎҚАРОЛАРНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРИШ Тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунарига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Муддатли ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Қуроли кучлари, чегара ва ички қўшинлари сафларидан заҳирага бушатилис.

2. 1968-1977 йилларда туғилган, чақирик муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фўқаролари 1995 йилнинг октябр-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 28 сентябрь.

ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА КЕНГАШ

Кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Қуроли кучлари қузуғи чақирувга тайёрлар қилиш масалаларига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Унга туманларнинг ҳокимлари, шаҳар бошқармалари, идора, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари тақлиф қилинди.

Кенгашни Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Равшан Файзуллаев олиб борди.

Тошкент шаҳрида мустакил давлат Қуроли кучларига йиғилтирилган қузуғи чақирувни уюшқоқлик билан ташкил этиш учун муайян иш қилинганлиги таъкидлаб ўтилди.

Шу билан бир қаторда қулгина туманларнинг ҳокимликлари, тоғишли хизматларнинг раҳбарлари қузуғи чақирувни ташкил этиш масалаларига етарлича эътибор бермаётганлиги, Тиббиёт ва чақирув комиссиялари ишларини йўлга қўйишда қўлаб камчилик ва нуқсонлар мавжуд. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишини янада яхшилаш талаб этилади. Бу ишда фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, маҳалла қўмиталари ташаббускор бўлишлари лозим. Кенгашда республика Қуроли кучларига қузуғи чақирувга ҳар тарафлама пухта тайёрларлик қилиш юзасидан шаҳар туманлари ҳокимликлари, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига аниқ топшириқлар берилди.

КУНЧИҚАР МАМПАКАТИГА

3 октябрь кун Япониянинг Токио шаҳрида длодо кураши бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди. Ҳар 2 йилда бир марта ўтказиладиган чемпионатда 65 дан зиёд давлат қатнашди. Республикаимиз шарафини 5 нафар длодочиларимиз ҳимоя қилдилар. Булар — Алишер Мухторов — 60 килограмм (Қашқадарь), Андрей Штурбабин — 71 килограмм, Дмитрий Соловьев 95 килограмм (Чирчиқ шаҳридан), Владимир Шмаков — 78 килограмм, Армен Богдасаров — 86 килограмм (Тошкент шаҳридан) иборат.

Спортчиларимиз Чирчиқ шаҳридаги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган спорт залда ўз маълумларини ўтказишди. Уларни мураббийлардан Р. Аметов, В. Платеев, В. Галкинлар ҳамда катта мураббий Нурат Валиев бошчилигида жаҳон чемпионатига тайёрладилар.

Илҳом ШЕРМУҲАМЕДОВ.

НУРОНИЙЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАБ

Кеча пойтахтимиздаги сулим гушалардан бири бўлган «Бог Эрам» истироҳат боғи арталабданок файзли бўла бошлади. Бог узара янграган қарнай ва сурнай садолари бу ерга ташриф буюрган нуруний отахон ва онахонлар қалбига узғача бир илқилик бахшида эди. Бу ерда ўтказилган тадбир улар қалбига бир олам қувонч бағишлади.

Тўқин дастурхон атрофида йиғилган отахон ва онахонларни Тошкент шаҳар фахрийлар уюшмасининг раиси Толиб Содиқов Халқаро қариялар кун муносабати билан табриклаб кексаларимизга бардамлик, сийғат-саломатлик ва боқий умр тилади. Шундан кейин уларга совғалар ва пул мукофотлари тақдим этилди.

Ўшбу тадбирга ташриф буюрган бир гуруҳ санъаткорлар узларининг дилрабо куйи ва қушиқлари билан давргага фойиз қилтишди. Тўқин дастурхон атрофида гурун авжига чиқди, нурунийларимиз уларга қўрсатилган катта эътибор ва ғамхўрликдан гоғат мамнун эканликларини изҳор этишди. Миллий одатимизга қура азда меҳмонларга ош тортилди, дастурхон устига қўйилган улқамиз ноз-неъматлари ҳам қарияларга манзур бўлди.

Бир суз билан айтганда, Тошкент шаҳар қариялар ташкилоти ташаббуси билан Халқаро қариялар кунига бағишланган тадбирлар бу аjoyиб тадбир унинг қатнашчиларига манзур бўлди. Нурунийлар узларнинг миннатдорчилик дил сузаларини изҳор этилиши, шодония кайфиятда «Бог Эрам»дан уйларига тарқилиши.

Саид БОТИРОВ.

СУРАТЛАРДА: боғда ўтказилган тадбирдан лавҳалар. Рустам Шарипов олган суратлар.

ЭСДАЛИК СОВГАЛАРИ

Мирзо Улуғбек туманида 234 нафар ёлғиз нафақадорлар бор. Уларга ижтимоий-таъминот бўлимининг 26 кишидан иборат махсус хизмат ҳодимлари ғамхўрлик қўрсатишляпти. Улар қарияларга махсус иқтисослаштирилган дукон ва бозордан ҳафтада икки марта озиқ-овқат харид қилиб олиб беришляпти. доридармонлар элтишляпти, зарур бўлиб қолган тақдирда уларни шифохоналарга ётқизиш учун ҳужжатларини ҳам расмийлаштиришляпти. Санаторий, дам олиш уйларига навбатдан ташқари уйланмавлар ажратилади. Туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда 26 та ногиронлар аравачаси сотиб олинди, қўндал уларнинг энг муҳтожларига топширилди.

Мунира МУРОДОВА.

БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

Ҳамза туманида туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кенгаши ва Ўзбекистон ХДП туман кенгаши ташаббуси билан ўтказилган «Бир пиёла чой устида» деб номланган тадбир Қариялар кунига бағишланди. Ташкилотчилар томондан 180 қарияга ва 20 нафар оғир ҳасталаниб қолган кексага эсдалик совғалари тақдим этилди.

Ғули АБДУЛЛАЕВА.

Жамиятимизда жадал суръатлар билан олиб борилаётган ҳусушлиштириш жараёни одамларнинг ўз ишига бўлган масъулиятини ошириш билан бир қаторда ўз фаолиятини ривожлантириш, янгиликка интилиш масалаларини ҳам кун тартибига қўймоқда. Бунга мисол сифатида Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли 4-тиш даволаш поликлиникасининг яқинда масъулиятни чекланган жамоа мулк мақоми олингандан кейинги фаолияти ҳақида гапириш мумкин.

— «Мулк» сўзи айрим одамларда галати тушунча ҳосил қилиши эҳтимол, — дейди поликлиника бош шифокорининг ўринбосари Аббос Умаров. — Аммо ҳар қандай мулк инсонларга хизмат қилсагина ўз номини оқлаши мумкинлигини жамоамиз жуда яхши тушунади. Шунинг учун муассасамиз жамоа мулкка айланган ўз фаолиятини янада такомиллаштириш, беморларга юқори малакали хизмат кўрсатиш асосий вазифамиз бўлиб қолди. Тиббий хизмат кўрсатишдаги бугунги усулларимиз бундан беш йил аввалгисидан кескин фарқ қилади. Айниқса стоматологиянинг пародантология ва жарроҳлик соҳаларида қўлланилаётган замонавий усуллар ўзини оқламоқда.

хасталиклари бор ёки йўқлигига эътибор берилди. Зеро бу ердаги муолажалар беморнинг бошқа хасталиқларига салбий таъсир этиши мумкин. Масалан, даги ортиқча ўсимталарни жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш, қийшқ ўсиб чиққан ташларни ўз ўрнига қўйиш билан ҳам шугулланамиз, — дейди йўқ. Одамларга жохон талаби даражасида хизмат кўрсатишга интилиш бу ерда анча илгари бошланган. Шунинг учун ҳам ушбу жамоа учун масъу-

Тиббиёт муассасаларида

ЖАҲОН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА



юррак хасталиги бор беморга физиотерапия муолажалари қўлланилмайди, балки консерватив, яъни дори-дармонлар билан даволаш усулидан фойдаланилади. Бундан ташқари пародантози даволашда лазер-терапия ҳам катта самаралар бермоқда.

Жаҳон тиббиётининг стоматология соҳасида имплантация усули, яъни ишдан чиққан тишлар ўрнига сунъий тишлар қўйиш катта ютуқларга эришиш билан бирга жуда кенг тарқалиб кетди. Жарроҳлик йўли билан ўтказиладиган бундай операцияларнинг поликлиникада деярли ҳар кун қузишти мумкин. Бунда чинни ва керамикадан ياسалган сунъий тишлардан фойдаланилади.

— Имплантация операцияларидан ташқари оғиз бўшлиғи-

жарроҳ-стоматолог Абдуғофир Содиков. — Айниқса сунъий жағлар қўйиш усулимиздан кўпчилик мамнун бўлмоқда. Бир пайтлар ечиб қўйиладиган сунъий жағлар кенг тарқалиб кетган эди. Аммо унга кўпчилик қўника олмади. Ҳозирда бизда янги усулда қўйилаётган сунъий жағлар бир марта ўрнатилди ва у одам умрининг охиригача сақланади. У ечиб қўйиладиган жағларга нисбатан қулайроқ эканини беморлар эътироф этишмоқда. Бу янги усулни поликлиникамиз бош шифокори Хуршид Мўминов Америка Қўшма Штатларида бўлиб ўзлаштириб қайтган эди.


Тиш даволашда, оғиз бўшлиғини яроқли ҳолга келтиришда энг замонавий усуллардан фойдаланишни 4-стоматология поликлиникаси кеча бошлагани

лияти чекланган жамоа мулк мақоми олиш у қадар қийинчилик туғдирмади. Чунки поликлиника бундай даража олишга тайёр эди. Бу фикрни ушбу муассасада одамларга кўрсатилмаётган малакали тиббий хизмат ҳам тасдиқлайди.


Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

СУРАТЛАРДА: поликлиника фаолиятдан лавҳалар: (юқорида) бош шифокор ўринбосари Аббос Умаров ҳамкасблари билан; (пастда) шифокор-пародантолог Гулшан Тошпулатова.

Рустам Шарипов олган суратлар.



«Ешанис» спорт мажмуасида ўтказилаётган «ИТФ—Ўзбекистон-95» халқаро савдо-сановат курганмаси мустақил Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқалари боғлашга қарб мамлакатлари катта қилини билан ёндашганларнинг яна бир намуна кўрсатиши. Шунинг қувватидан, ушбу курганмага республикамиз ишбилармонлари, талбиркорлари, қичик ва хусусий корхона раҳбарлари жиддий ёндашмоқдалар. Бу ерда улар 130 хорижий фирмаларнинг вакиллари билан учрашиб, келувиди ҳамкорлик юзасидан келишилб бўлмоқдалар.



САВОЛ СИЗДАН — ЖАВОБ БИЗДАН АФСОНаВИЙ ГУЛ

Мен гулларни жуда ҳам яхши кўраман. Айниқса, орхидеяни бир марта кўрмаган бўлсам ҳам, гойибона яхши кўраман. Айтишларича у Ҳиндистонда кўп тарқалган экан. Шу ростми? Насима Нурматовна, уй бекаси.

Чиндан ҳам орхидеялар ниҳоятда гўзал. Улар Ҳиндистоннинг Арнунчал-Прадеш қитъасининг шимолий шарқида ниҳоятда кўп ўсади. Орхидея деган сўз қимматбаҳо маъносини англатади.

Ҳиндистонда гулнинг ўзидан ҳам чиройли бир афсона юради. Айтишларича жажжигина фаришталар ниҳоятда нафис қўйлақлар кийиб, ярқирок тожларда Тили шаҳри тепасидан учиб ўтибдилар. Пастда жуда ҳам тоза, сувлар зилол дарёни кўриб қолибдилар. Чўмилишдан ўзларини тиёлмаган фаришталар дарё бўйига қўйибдилар. Ечиниб, муздаккина сувга ўзларини отибдилар. Улар ниҳоятда қунаб-яйраб сузибдилар, бир-бирларига сув селибдилар. Уларнинг вақтлари ниҳоятда кам экан. Бу орада оқшом тусишибди. Фаришталар қоронғу бўлмасдан уларига қайтишлари керак экан. Хаммалари шоша-пиша сувдан чиқиб, елкаларига нафис кийимларини ташлаб учиб кетишибди. Биттиси эса хонкизи билан ўйнаб уларнинг кетганини сезмай қолди. У ҳам эгини кийибди-ю дугоналари кетидан йўлга тусишибди. Азбаройи қаттиқ ўчанидан қўйилгани шом тортиқлабди, даракларга илтиб йиртилди, узилиб қолган қўйлақ парчалари эса уша заҳоти чиройли, нозик гул — орхидеяга айланиб қолди.

Арнунчал-Прадешда орхидеяларнинг 500 хили бор. Уларнинг ҳар бири тури ҳақида бир-биридан гўзал афсоналар туқилган. Орхидеяларнинг турлари орасида ниҳоятда ноб-ёққолиб кетиши арасида турганлари ҳам, фақат Арнунчал-Прадешда учрайдиганлари ҳам бор.

Тили шаҳрининг орхидеяларида бу фаройиб гулларнинг ҳаммаси тулпанган. У ерга кирадиган бўлсангиз, ниҳоятда ўткир хўшбўй хид димоғингизга урилади. Орхидеяларда эртақ, афсона, ҳақиқат барчаси бир-бирига омухта бўлиб кетган. Шаҳарликлар бу гулхонани гўзаллик ибодатхонаси деб аташади. Орхидеялар фақатгина гўзал гуллар эмас, балки дори-дармонлар тайёрлаш учун хомашё ҳамдир. Хиндларнинг узок умр кўриш ҳақида қадимий «Аюрведа» китобида орхидеяларнинг тиббиётда қўлланилиши ҳақида маълумотлар бор. Мисол учун айтиб ўтайлик: гулнинг баргидан тайёрланган экстракт ревматизми даволашда қўлланилади. Новедалари кайнатганда ҳосил бўладиган ичимлик киши қонини тозалайди. Уруғидан тайёрланган қуқунни маҳаллий аҳоли турли ёрларни даволашда ишлатишади.

Орхидеялар ҳозир Ҳиндистоннинг бошқа шtatларида ҳам етиштирилмоқда.

БУЮК АДИБНИНГ ҚИСМАТИ

Жаҳоннинг буюқ адибларидан бири Эрнест Хемингуэйнинг «Алвидо, қурол», «Виеста», «Чол ва денгиз» сингари романиларини, қиссаларини савиб ўқийман. Шу ёзувчи ўзининг жонига қасд қилган экан. Шунинг сабабларини билмоқчи эдим. Обиджон СОБИРОВ, талаба.

Жаҳоннинг буюқ қалам устасидан бири Эрнест Хемингуэй 1961 йилнинг 2 июлида ўз жонига қасд қилган эди. Орадан 34 йил ўтганидан кейин «Нима учун адиб ўзини ўзи отди?» деган масала юзасидан мунозаралар қўзғиб кетди. Ҳатто Гаваанада кузбоқ қолқоним бўлиб эди. Унда ёзувчининг мухлисларидан 140 киши қатнашди.

Америкалик профессор Уильям Шмидтнинг таъкидлашича, Хемингуэйнинг ўлимига метил тестостерон номли дорини қўллаб микродоза ингани сабаб бўлди. Қувватни оширадиган бу ҳабдори охир оқибатда ёзувчининг бағига айлантириб қўйган, у шу сабаб ўз жонига қасд қилган. Унинг таъкидлашича, буюқ адиб умрининг сўнгги даврида гипертонзия, жигар шерозни, кам қувватлик, юрак ўйноғига мубтало бўлган. Шмидтнинг фикдорлиги шунчалик бўлдики, Майодаги клиникада ёзувчини электр токи билан даволашганини ҳам аниқлади. Лекин профессор касаллик тарихи билан таниша олмади.

Испан доктори Хосе Луис Солтоноғ ёзувчини Кубада даво-

лаган эди. Унинг айтишича ёзувчидан ҳеч қандай дард излари бўлмаган. Лекин кунига уч марта электр токи олиши, вазни 136 килограммдан 65 килограммга тушириб қолгани исзис кетмади. «У ишлаш қобилиятини йўқотди», — дейди доктор. — Электр токи унинг миёнаси қаттиқ таъсир кўрсатди. Ҳатто бунчалар хокисор аҳолида курғак, жонига қасд қилиб қўя қолган».

Бу фикрни адибнинг жияни Жон Сэнфорд ҳам тасдиқлайди. «Тоғамнинг ҳаётида, ҳатто шахсий ҳаётда қор-қизилган албатта бор. У ўзини ўлимага маққум қилиши шунчалар заруримди» — буни билмадим. У ўзини ўзи қудратли, қучи одам қилиб етиштирган эди. Лекин охирида ҳатто қўлини кўтаришга ҳам ҳоли келмади».

Жиянинг таъкидлашича, тоғамнинг оиласида бобо, отаси, ёзувчининг бир акаси ўзини ўзи ўлдирган экан. Шу нарса ёзувчига асло тинчлик бермаган кўринади.

Эрнест Хемингуэй яратган асарлар ўзининг сирли бир қудратига эга. Ҳа асарлари кўби ёзувчи ҳам сирли ўлим топган. Сабаби эса ҳеч қимга маълум эмас. Балки қариган чоғида бирининг ёрдамига мухтаб бўлиши истамагандир.

Толиб САБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

ЭРТАГА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «АЛПОМИШ» САРОЙИДА БОКС БЎЙИЧА 18-ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ

THE 18th ASIAN BOXING CHAMPIONSHIP BOKS BŮYIČHA 18 OSIYO ČEMPIONATI

Tashkent '95 Uzbekistan

30.IX. - 9.X.1995

ЭРИШАДИГАН ЮТУҚЛАР КЎП

Бундан 5-6 йил муқаддам Қўқон шаҳрида мактаб ўқувчиларнинг спартакиадасида ўз вази бўйича I-уринин эгалаган Дилшод машҳур жаҳон чемпиони Руфат Рисқиевнинг қўлидан боб совринни оларкан, қувончининг чеки йўқ эди. Чунки у бошалигиданок ўзгача меҳр қўйган инсон эътиборини қозонган эди-да!

Йиллар давомида қўлынган тинимсиз машқ, ўзи устида ишлаш уни 12-Осиё ўйинлари совриндори, I-Марказий Осиё ўйинлари чемпиони даражасига кўтарди.

Бугун Дилшод Ербеков терма жамоамиз сафидаги энг умидли боксчиларимиздан бири ҳисобланади.

— Дилшод, қайси номдор боксчиларни ўзингизга намуна деб ҳисоблайсиз?

— Мухаммад Али, Майк Тайсон (Малик Абдулазиз) ва албатта иродили Руфат ака!

— Бу чемпионатнинг сиз учун қандай аҳамияти бор?

— Ушбу чемпионатни ўз олдимга қўнган максималари йўлида навабдаги имтиҳон деб ҳисоблайман. Бу имтиҳонга жиддий тайёргарлик кўрдим, максималари — келгуси йили Атлантада рингга чиқишдир. Ундан кейин, хали рингда эришадиган ютуқларим кўп.

Бахтиёр ХАЙДАРОВ.



Ўзбекистонда бокс спортни аввали ва унга хос анъаналарга эга. Мутахассисларнинг фикрича, 18 - Осиё чемпионати бу анъаналарни яна бир поғона юқорига кўтарди.

дам олиш

ПАКЛИМИДА

Ўзбек адаблари — «Оқшом» учун

Тоҳир МАЛИК

ШАЙТАНАТ

Романини икки қисми қилиб қўйилган

(Давоми. Боши газетанинг 111-сонид)

Зоҳид айбдор одам қўёғасида ерга қараб, гап бошлади: — Мен хунук хабар билан келдим. Жамшид... ўлгингиз-ни...

— Биламан, — деди аёл Зоҳиднинг мушкулани осонлаштириб. Мушкулниқу осон қилди, лекин хайратини юз чандон оширди.

— Биласизми, ўлдириб кетишганини биласизми?

— Ҳа, кеча айтишди. Адаларига билдирмадик. Тутинган акалариникидан чиқаришди, — аёлнинг лаблари титради, кўзларига ёш келди.

— Одамлар бунчаим зolim бўлишмас! Чимилдик кўрмай кетди, боқийш. Бориб йиги чиқардим. Мендан бошқа ким ҳам йилғарди... Бероҳимлар... ёқиб юборишдими?... Менга кўрсатишмади...

— Тутинган акалари ким?

— Маҳмуджон. Қамочдан чиқаришда ҳам қўп ёрдамлари теккан экан. Адалари дом дуо қилардилар у кишини.

— У киши қаерда турардилар?

— Аёл айтиди, Зоҳид ёндаштарасига тез-тез ёзиб олди.

— Чамшидни охири марта қачон кўрудингиз?

— Уч-тўрт кун бўлду. Адаларидан хабар олиб кетувдилар.

— Бу ерда турмас эдимми?

— Шу ерда турардилар. Сафарда қўп бўлардилар-да. Ишлари шунақа...

— Қаерда ишларди? Мактабда эмасми?

— Билмасам... Ёшлар ўзингизга маълум-ку, шамолдек учиб юришди.

— Мен... фақат хабар бергани келмаганман. Уйни кўриб чиқишим керак.

— Вой... адалари сезиб қолсалар...

— Бошқа илжоб йўқ, мени ҳам тушуинг. Мана, ордер. — Зоҳид шундай деб руҳсатномани кўрсатди.

— Ишонман, қозонгиз керакмас. Фақат... сезиб қолсалар... Емон бўлади-да... Эртаниндин келсангиз-чи?

— Эрта-индин ҳам ахвол шу бўлади-ку?

— Йўқ... Мен адаларини касалхонага ётқизманми, деб ўйловдим. Жамшидхон ҳам охири келганларидан шундай дедилар. Энди... бунақа бўлганидан кейин... бу ерда ҳам ис чиқариш керак. Хайри-худоий қилиш керак. Касалхонага ётқизмасам бўлмайди. Уша ерда қарайман. Сиз хотиржам бўлинг, нарсаларига тегмайман. Тегсам, худо урсин!

Зоҳид папқасидан таширф қозоғи чиқариб, аёлга узатди: — Қасам бичман. Касалхонага ётқизганидан сўнг менга хабар беринг. Танишингиз борми ё биз аралашайликми?

— Бор, сиз ташвиш чекманг. Акам уша ерда ишлабдилар.

Зоҳид хайралиб, изига қайтди. Йигирма қаданча боосиб, орқасига ўгирилди. Аёл ҳамон эшик олдида турарди.

«Нимага бу деган-чиноза қолдим? Раҳимий келганиданми? Шу хонинг Хамдам акага айтсам, мени калжа қилади. «Бу соҳада бизнинг энг катта душманимиз — раҳимийлик» дейди. Балки шундайдир. Жиянотинг раҳим қилсанг, у сени бероҳимларча ўлдириши ҳам мумкин. Лекин барча жиянотчи эмас-ку? Зоҳид уйга бостириб қирганинда нима бўларди? Улгининг ўлимини сезган отанинг жони узилиши ҳеч гап эмас. Биттагина ноҳўра ҳаракатим билан жоним ўлимига сабабчи бўлардимми? Ҳа... Лекин мени ҳеч ким қотил демас эди. Ҳолқуби унинг ўлимига мен сабабчи бўлардим. Қизик ҳол... Кўпчилик инфарктдан ўлади. Суриштириб келинса, уни қимдир бир соатми ё бир кун олдин қаттиқ хафа қилган бўлиб чиқади. Уша хафадарчилик юрагига таъсир этган... Лекин уша ранжитган одамни ҳеч ким айбламайди. Юрагига ханжар урса, дарров қамаймиш. Емон сўз юракка санчилуви кўзга кўринмас ханжар эмасми?» — Зоҳид шу фикрга келиб, ичкари қирмағни учун ўзини айбламади. Уйдан бир оз узоклашди, Жамшиднинг тутинган акаси ҳақидаги аёлнинг гаплари уни шартта тўхташга мажбур этди. «Маҳмуджон дедими?» Таниш исми. Қаерда учратганми? Ҳа, Асадбекка яқин одамларнинг бири Маҳмуд эди. Уша эмасмикин? Қизик, уларга ким хабар берди? Улқини олиб чиқиб қўмишга ҳам улғуршибди... Бу оддий одамнинг қўлидан келадиган иш эмас...»

Зоҳид орқасига ўгирилди. Аёл кўринмади.

Бу боланинг турки совуқроқ эди. Бировдан сўкиш эшитса кўзини лўқ қилиб индамай турарварди. Кейин эса... ўз билганидан қолмас эди. Базван мактов ҳам аштарди шунда. У совуқкина тиржайиб қўярди. Турки-таровида совуқлик зуқур этгани учунми бу маҳаллага тушиб қолганидан бири болалар Уни қаторларига қўйишмасди. Тўрт толиқса ҳам қилма қўйишса ҳам даврга чорлашмас эди. У ҳам «мени ўйинга қўйишлар», деб эйланмасди. Уйинни томоша қилиб турарварди.

Улар уч маҳалла наридаги ўйда яшаарди. Ака-укалар тор ҳовлида сиклиб қолмишга, отаси шу маҳалладаги қишм уйин сотиб олди. Узоқдан эмас, уч маҳалла наридан қўлиб келишган бўлса ҳам У болалар орасида «келгинди» деган ном олди. Уни «гап таъсир қилмайдиган без эди», десак ҳатто гапирган бўламиз. Болаларнинг ўйинга қўйишмасликлари, айниқса «келгинди» деб чақирдишлари Унинг газабини келтирарди. Аммо газабга ошно бўлиб қолмаслик учун ўзидан қўч топа оларди. У зоҳиртан тенгдошларининг ўйинини қузарарди. Хавли эса бу болалар устидан ҳўк ўтказиш йўллариин излаш билан банд бўларди. Бир неча кун ичида У режасини пиширтди. Отаси Масковга қатнайдиган поезд ресторанида ишларди. Шунинг учун ҳам ўйларда бу шаҳарда топилиши қийин бўлган сигарет, шоколад, сақулар кўп эди. Моллар вақтида сотилмагани учун баъзан тўпқаниб қоларди. Отаси қўнчинга йўлда, онаси эса молларни қайта-қайта саначини ётқирмас эди. У мана шундан фойдаланди. Бир кунги мактабдан қайтиш-ю иккита «ВТ» сигаретини чўнтагига солиб, кинохона томон юрди. Кинохона икки кўча нарида, шу атроф маҳаллаларининг зўрлари шу ерга макон қуришган эди. Болалар булардан қўрқишарди. Зўрларнинг зўри — Шомил деган гилай йигитча эртамо кен шу ерда. Кинохона атрофида у ўзини пошадий хис этар, атрофидига болалар эса унга мулозимий хизмат қилишар эди.

У кинохона рўпарасидига анҳор қирғоғида икки бола билан гаплашиб ўтирган гилай Шомил томон дўдил юрди. Гилай йўлга орқа қўлиб ўтиргани учун унинг яқинлашганини сезмади. У гилайга яқинлашиб, тўхтади. Индамай турарварди. Гилай ёнбош ўтирган, йўлнинг ўнг томонидаги бола унга қараб: «Ҳе, чўмо, ишиң борми?» деб сўради. У индамай, боланинг «чўмо» деб ҳақоратлаганини дилга туғиб қўйди. Гилай Унга ўгирилиб қарши билан чўнтагидидаги сигаретини олиб узатди. Гилай сигаретларини олиб, ёнидаги боладан сўради:

— Ким бу?

— Томи кетганлардан биттаси-да, — деди бола. Бу гап ҳам Унинг дилига туғилди.

— Сигарет олиб келишини сўнга ким буюрди? — деб сўради Гилай.

— Ҳеч ким.

— Узингиз олиб келдингми?

— Ҳа.

— Нима учун?

— Сизни яхши кўраман.

— Яхши кўрасанми? Бу, класс! Нима учун!

— Сиз — зўрсиз!

Бу баҳо Гилайга ёқиб, хаҳолаб қўлиб юборди.

— Эшитдингизми, бу, класс! — деди шериларига қараб. У, бор, қўлқоға лағмон олма, — деди ўнг томонда ўтирган бола.

— Тўхта, хайдама, — деди гилай Шомил, — ке, братишка, ўтир. Қалланг бор экан, сен ҳам зўр бўлиб кетасан. Отинг нима?

(Давоми бор)

ДУШАНБА 2

ЎзТВ I
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Аралаш». Болалар учун ҳажвий киножурнал.

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Кўзунчоқ».
19.00 «Бу бўстон аро...».

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИСИ
18.00—21.45

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениси.

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИСИ
7.30—9.00

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениси.

19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.

ЧОРШАМБА 4

ЎзТВ I
7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш кўрсатуви.

9.00 ЎзТВ хазинасидан. Ўткир Хошимов. «Дунёнинг ишлари». Телеспектакль. 2-қисм.

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИСИ
18.00—21.45

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениси.

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Ўтмишисиз келажак йўқ».

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИСИ
7.30—9.00

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениси.

19.40 «Мульткарусель».
«ОМАД» таништиради:
19.55 Ўзлонлар.

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:
18.30 «Омад» тақвими.

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Ўтмишисиз келажак йўқ».

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИСИ
7.30—9.00

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениси.

19.40 «Мульткарусель».
«ОМАД» таништиради:
19.55 Ўзлонлар.

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:
18.30 «Омад» тақвими.

10.40 «Кора чайка». Болалар учун фильм.
12.15 «Ширу-шакар».
13.00 — 13.20 «Булқлар кўз очганда».

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИСИ
7.30—9.00

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениси.

19.40 «Мульткарусель».
«ОМАД» таништиради:
19.55 Ўзлонлар.

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:
18.30 «Омад» тақвими.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ

ВА ЭЪЛОНЛАР



Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки
Тошкент шаҳар бўлими
Валюта алмаштириш пунктларида ишлаш учун танлов асосида қабул эълон қилади

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 29 - уй.
Маълумотлар учун телефон: 54-35-18.

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ САҲЪАТ САРОЙИДА
1995 йил 21, 22 октябрь

Леонид Якубович «МЎЪЖИЗАЛАР МАЙДОНИ»
ТЕЛЕВИЗИОН ЎТКАЗАДИ

Читаларни кассалардан ва чипта сотувчи вакиллардан харид қилишингиз мумкин.

ХОМИЙЛАРНИ ИШТИРОК ЭТИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ.
Маълумот учун телефонлар: 55-85-93, 55-85-95, 55-62-27, 44-35-89, 44-18-12.

ХАФТАЛИК КУРСАТУВЛАР
2 октябрь — 8 октябрь

13.05—15.05 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Мультфильм.

18.25 «Хотира». Ўзбекистон халқ артисти Отажон Худойшукров.

18.55 Ўзлонлар.
19.00 «Ахборот» (рус тилида).

19.20 Ўзлонлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.35 «Вакт — ҳақам».

20.10 Оқшом эртақлари.
20.25 Ўзлонлар.
20.30 «Ахборот».

20.55 Ўзлонлар.
21.00 Бокс. Осий чемпионати.

21.40 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.

22.20 «Тўйлар муборак». Бадийий фильм.
23.25 Ўзлонлар.
23.30—23.55 «Ахборот».

24.00 «Кўзунчоқлар — менинг дўстларим».
24.00 «Мунис тили».
24.00 «Ешлик» студияси.

19.10 «Теле-ателье-шоу».
19.20 Видео янгиликлари.
19.40 «Тропиканка».

19.55 «Замандас» (қозоқ тилида).
20.05 «Дурдаршан».

20.25 «Юксак мақсадлар йўлида».
22.10 — 22.50 «Қалбим кўри».

20.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.55 Ўзлонлар.
21.00 Бокс. Осий чемпионати.

21.40 «Савоя»нинг ўғирланиши». Бадийий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.

11.00 Немис тили.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.

12.00 «Кашф этилаётган имкониятлар».
12.30 «Ешлик» студияси.

13.00—14.30 Бокс. Осий чемпионати. «Алломиш» спорт саройидан олиб кўрсатилади.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.

18.10 «Ўзбек киносининг барҳаёт саҳифалари».
18.55 Ўзлонлар.
19.00 «Ахборот» (рус тилида).

ШАМБА 7

ЎзТВ I
7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш кўрсатуви.

9.00 «Санъат гўнчалари».
9.30 Комил Аваз. «Жаббу — жуҳанжир хўйласи».

11.10 «Дўстлик чечаклари». Рўзи Қодирий таваллудининг 70 йиллигига.
11.40 «Кўшгимдасан, Ватан».

12.15 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан.
13.15 «Истеъдод қирралари».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ўзлонлар.

19.00 «Ахборот» (рус тилида).
19.20 Ўзлонлар.
19.25 «Олағма сабҳат».

20.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).

20.10 Оқшом эртақлари.
20.25 Ўзлонлар.
20.30 «Ахборот».

20.55 Ўзлонлар.
21.00 Бокс. Осий чемпионати. Ярим финал.

22.00 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.
ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:
9.00 «Мульткарусель».

10.00 «Омад» тақвими.
10.05 «Кўнғил».
10.10 «Муҳаббатга ошно қалблар».

10.30 «Ишингиз бароридан келсин!».
10.40 «Теле-ателье-шоу».

10.50 Видео янгиликлари.
11.10 «Тропиканка».

12.00 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ўзлонлар.
12.45—14.25 «Кинонигоҳ».

17.00 «Совға».
17.30 «Жаҳон географияси».

18.20 Ўзлонлар.
18.25 Видео—«О».
20.05 Ўзлонлар.

20.10 «Курьер».
20.30 «... яна об-хаво ҳақида».

20.40 «Постфактум».
20.50 «Кулгига нима етсин!».
21.15 «Автосалон».

21.35 «Америка юлдузлари».
22.05 Ўзлонлар.
22.10 «Даррақи».

22.20 Ўзлонлар.
22.25—00.05 Видео—«О».
ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИСИ
18.00—22.45

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИСИ
22.45—02.05
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениси.

ДИҚҚАТ, ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ!

«АЙРЕКС» ХАЛҚАРО ИЖТИМОЙ-МАЪРИФИЙ ТАШКИЛОТНИНГ ЎЗБЕКИСТОН БЎЛИМИ
офис ассистенти лавозимида ишлаш учун
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Номзодлар ўзбек ва рус тилларини билишлари, қисман инглиз тилида сўзлаша олишлари (бу тилни пухта эгаллашга қизиқишлари), шунингдек, компьютерда ишлаш тажрибасига эга бўлишлари шарт.

Офис ассистентининг хизмат вазифасига телефон қўнғироқларига жавоб бериш, хат ва ҳужжатларни компьютерда бошиш, ёзишмаларни назорат қилиш, меҳмон ва қабулга келганларни кутиб олиш, уларга илмий-маърифий дастурлар бўйича маълумотлар бериш, офис тозалигини таъминлаб туриш қиради.

Офис ассистенти хушмуомала ва ғайратли бўлиши лозим.
Номзодлар қайси ўқув юртини тугатганлари, иш тажрибалари ва уй телефонлари ҳақидаги қисқача маълумотни инглиз тилида машинакаб, Тошкент, Ц-6, Хуршид кўчаси, 88-уй, 42-хонага етказиб беришлари керак.

НОМЗОДЛАР 1995 ЙИЛНИНГ 1 ОКТАБРИГАЧА СУҲБАТГА ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ ТАКЛИФ ЭТИЛАДИЛАР. «АЙРЕКС»

ТАНИҚЛИ ЧЕТ ЭЛ ФИРМАСИ

«Е» категорияли ҳайдовчилар, кран операторлари, компрессор операторлари, юк кўтарувчи механизм операторлари, оддий ишчиларни
ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.
Маълумот учун телефонлар: 34-53-92, 34-32-84, 34-55-80.

ФИРМА

Тошкент шаҳридаги омбордан Хитойда ишлаб чиқарилган ОШХОНА СЕРВИЗЛАРИНИ
кўтара ва чакана равишда
СОТАДИ.
ВОСИТАЧИЛИК ХИЗМАТИГА ХАҚ Тўланади.
Телефонлар: 91-48-21, 42-46-08.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ УЧУН 1 ОКТАБРДАН ЯНГИ ТАРИФ БЕЛГИЛАНДИ

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ УЧУН
1 ОКТАБРДАН ЯНГИ НАРХ БЕЛГИЛАНАДИ. ЯНГИ ТАРИФ БЎЙИЧА
ФОЙДАЛАНИЛГАН ХАР БИР КИЛОВАТТ-СОАТ УЧУН 70 ТИЙИН ХАҚ Тўланади.

Уйи ошхона электр плиталари билан жиҳозланган фуқаролар ҳар бир киловатт-соат учун 35 тийин тўлайдилар

Имтиёзли тарифдан фойдаланадиган барча тоифадаги фуқароларнинг имтиёзлари сақлаб қолинган.
Электр энергияси учун бир неча ой олдин ҳақ тўлаб қўйишингизни сўраймиз.
БУ СИЗНИНГ ҚИММАТЛИ ВАКТИНГИЗНИ ТЕЖАЙДИ.
«ЎЗЭНЕРГОНАДЗОР».

УЧРАШУВГА МАРҲАМАТ

Гулобод даҳасида жойлашган Хасанхон Исомов номли 41-мактаб ташкил этилганига 70 йил тўлди. Шу муносабат билан шу йил 7 октябрь соат 11.00 да мактабни битириб кетган собиқ ўқувчиларни авлодлар учрашуви тантанасига таклиф этамиз.
Ташкилий қўмита.

ТАШКИЛОТ

Касса аппаратлари учун эни 57 ва 44 миллиметр бўлган қорғаларни
СОТАДИ.
Маълумот учун телефонлар: 93-31-83, 91-19-68 соат 9.00 дан 18.00 га.

7-автокорхона жамоаси шу корхонанинг бош мўҳандиси

Убайдулла Қудратович ИБРОҲИМОВнинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимилиги
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатга олинган. Рўйхат сови ~ 10.
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: хаталар ~ 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича ~ 33-21-42
Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва йўқалиши учун жавобгарлик қилари берган ташкилотчи ва шўъра раҳбарлари.
Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига «Тошкент почтаси» шаҳар почта корхонасининг фойдаланиш бўлимига ~ 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Ҳажми ~ 2 босма табоқ.
Офсет усулда chop этилади.
Қозғ бевони - А-2.
Газета IBM компьютерида терилди ва сақланади.
Нашр кўрсаткчи - 64690.
«Шарқ» нашрийёт-матбаа корпоратив босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Шўрон» кўчаси, 41-уй.